



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2019-yil 10-iyul, chorshanba * № 18 (1132) * 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ: “ИҚТИДОРЛИ ЖУРНАЛИСТ ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ. ТАРБИЯЛАНАДИ”



Олдинги йили Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига бакалавр босқичига 100 нафар талаба қабул қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич кескин ошиб, 270 нафар этиб белгиланди. Жорий йил университетимизда 9 йўналиш бўйича бакалавр босқичига ҳужжатлар қабул қилинмоқда. ➔ 4-бет

“СЕПИНИ КЎРИБ, ҚИЗИНИ ОЛ!”



“Кўшнимиз бир қишлоқ нарига қиз узатди. Тушлик ва кечки овқатларни етказишда кеч қолган экан, куда тараф “Овқатларингиз кеч келяпти, вақтида олиб келинглар” деб, зарда қилибди. Бу гап эркак кўшнимнинг қулоғига етгач, битта кўчқорни етаклаб, қудасиникига йўл олибди. ➔ 5-бет



Равшан ЭРМАТОВ: “МЕН ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ ХИЗМАТКОРИМАН”

Яна кимлардир янги раҳбарга ақл ўргатишга киришди. Билишмайдики, Равшан Эрматовнинг ҳам танасида ўз боши, тузган режалари бор. Ақл ўргатиш, албатта, осон. Айниқса, футбол ҳақида гап кетганда. ➔ 6-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол турфаили Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилар бормоқда.

Бугунги кунда юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган вазифалар — аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик ва ҳуссий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижалари нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Халқимиз учун энг улғу, энг азиз айём, эркин, обод ва фаровон ҳаёт куриши йўлидаги барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигини катта тайёргарлик билан кўриб олиш, бу қутлуг саниани унинг моҳияти ва аҳамиятига, халқимизнинг фикдорона меҳнати, эзгу орзу-интилишларига муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Республика комиссияси бир ҳафта мuddатда “Жонахон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” деган бош гофия ўзида муқаммас этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Ушбу дастурда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастури, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажакимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг маъно-мазмун ва руҳи муқаммас этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

Айниқса, охириги йилларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгаргани, бу ижобий ўзгаришлар юртдошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинган ишларни конкрет далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар ва экспертлик баҳолари орқали мамлакатимиз ва халқаро жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмушувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиё-

лилар ва санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

Бу тадбирларни ташкил этишда мамлакатимизни модернизация қилиш, турли соҳа ва тармоқларни либераллаштириш борасида қўлга киритилган ютуқ ва натижалар бу йўлдаги дастлабки қадамлар эканини таъкидлаган ҳолда, баландпарвозлик, расмиятчилик ва озакилик ҳолатларига йўл қўймасдан, ҳолислик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар мамлакатимиз пойтахти, вилоят ва туманларида қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.
5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилаётган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этаётган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика танловининг якуний босқичини ўтказсин.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин ва тақдирлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Баддий академияси, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда “Энг улғу, энг азиз”, “Ранглар жилосида — она диёр”, “Ватан учун ашайлик!” каби аънавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

8. Белгиланган кўйилсинки, ўтказилаётган байрам тадбирлари: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан; Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қўлланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий аxbорот агентлиги, “Дунё” аxbорот агентлиги ва бошқа оммавий аxbорот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш таъминлансин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.



Ҳар дилда бир чўғ бор...

Зомин туманида Республика ёш ижодкорларининг семинари муваффақиятли ўтди

Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улғу аждоқларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади.

Шавкат МИРЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Аслида, истеъдодсиз инсоннинг ўзи йўқ. Ҳар бир инсон дунёга келар экан, Яратган қайсидир жиҳатдан қобилият ато этади. Ҳамма гап уни тарбиялашда, рўёбга чиқаришда, ўз вақтида эътибор бериб, ниҳол каби парвариш этишдадир.

Давлатимиз раҳбари томонидан ана шу йўлда келажак авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар шак-шубҳасиз эртанги кун истеъдодларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз илгари сурган беш ташаббус замирида ҳам улғу гоё, мустаҳкам мақсад-муддаолар муқаммас. Зеро, ёшларнинг қилган ишлари бўлиб вояга етишида китоб, яъни адабиёт билан бир қаторда, мусиқа, расомлик, театр ва санъат ҳамда спорт соҳасига муҳаббатини ошириш энг тўғри маслагу матлаб. Бу борада ҳаётимиз эртаси

бўлган ёшлар учун жамики имкониятлар муҳайё.

Юртбошимизнинг доимий эътиборида бўлган адабиёт ахли учун, шу қутлуг соҳага қадам қўйишни ният қилган ёшлар учун ўтган ҳафта ҳам унутилмас воқеалар, ҳаяжонли учрашувларга бой кечди.

Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари. Бу — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қайта жонбахш этилиб, ёш истеъдодларни кашф этишда ўзинга хос мактаб вазифасини ўтамоқда.



➔ Инсон ва қонун

Россиянинг Мурманск шаҳрида 5-синфда ўқийдиган 4 нафар қиз тенгдоши бўлган бошқа бир қизалоқни аёвсизларча калтаклайди, сочидан тортиб, уриб хўрлайди. Ўзларича гуруҳ тузиб олган норасидалар қизалоқни арзимас айби учун шафқатсизларча жазолайди...

Оломон жазоси — жаҳолат

Суд томонидан шахс айбдор деб топилмагунча уни жазолашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Куни кеча Тошкент шаҳрининг Кўйлик бозоринда бир гуруҳ одамлар ўзганинг машинасини очишга уринган ўғрини тутиб олиб, халқ орасида калтаклади...

Сўнги пайда ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинган шахсларни ўзбошимчилик билан оломон бўлиб жазолаш, яъни “самосуд” ҳолати тасвирланган бу

каби лавҳалар ижтимоий тармоқларда кўпайди. Бундай ҳолатнинг юртимизда ҳам кутилаётгани ачинарлидир. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Сурхондарё, Хоразм ва Самарқанд вилоятларидаги ҳамда Тошкент шаҳридаги бозорлар, кўча-кўйда рўй берган ана шундай ноҳуш ҳолатлар фикримиз далилидир. Бундай хабарларни



➔ Ўйлаб кўринг!

Қозонда йўқ бўлса, чўмичга чиқадими?

Ёки болаларнинг ҳақини “туя” қилиш қачон барҳам топади?

Халқимиз бировнинг, айниқса, боланинг, ҳақиқа хиёнатни катта гуноҳ, дейди. Мактабгача таълим соҳасида ишлаб келётган баъзи ошқарлар, ушбу нақлдан анча йироқлашгани аён бўлди. Улар бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаб, талон-тороҳ қилиб, ўз касбига доғ туширмоқда.

Ўзбекистон Мактабгача таълим вазириликнинг ички аудит хизмати шу мавзуда матбуот анжумани ўтказди.



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2019 йил 8 июль

Ш.МИРЗИЕВ

Янгиликлар

Агентликнинг расмий веб-сайти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги расмий веб-сайти www.aoka.uz ишга тушди.

Агентлик шу йилнинг февралда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Қарорга мувофиқ, Агентлик ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Фаргонанинг пресс клуби

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фаргона вилояти бўлими таркибида ташкил этилган пресс клубнинг ilk сессияси бўлиб ўтди.

Тадбир давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6-7 май кунлари Фаргона вилоятига ташрифи чоғида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили ҳамда бир гуруҳ вилоят фаолларининг фарғоналикларга мурожаати тарғиботига бағишланди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Фаргона вилоятида ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш зарур. Президентимиз вилоятга ташрифи чоғида кўплаб йўналишларда аниқ вазифаларни белгилаб берган. Айни кунларда уларнинг ижросини таъминлашга муҳим эътибор қаратилмоқда. Вилоят фаоллари ҳам ана шулардан келиб чиқиб, мурожаатнома қабул қилган эди.

Мулоқот давомида ташкилот ва бошқармалар раҳбарлари, тадбиркорлар, журналистлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Капитан Сайфутдинованинг янги лавозими

Капитан Ирина Сайфутдинова Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ахборот мультимедиа маркази бошлиғи — бош бошқарма бошлиғининг матбуот котиби лавозимига тайинланди.

Ирина Сайфутдинова 1974 йилда Тошкент вилояти, Олмалик шаҳрида туғилган. 1997 йили Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг "Ватанпарвар" газетасида муҳбир, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бирлашган тахририятида бўлим мудири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ахборот мультимедиа маркази бошлиғининг ўринбосари — бош муҳаррир лавозимларида меҳнат қилган.

Ахборот мультимедиа маркази бошлиғининг ўринбосари — бош муҳаррири вазифасини бажарувчи лавозимига эса катта сержант, журналистика магистри Эътибор Шираева тайинланган.

Мамлакат Юлдашева.

Журналистлар ўқуви

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати Буюк Британиянинг Тошкентдаги элчихонаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари учун "Ўзбекистонда журналистика соҳасида халқаро этика стандартларини ривожлантириш" лойиҳаси асосида ҳудудларда семинар-тренинглар ўтказилган ҳақида аввал хабар берган эдик.

Ана шундай ўқувларнинг бири Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Унда Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятларидаги оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар иштирок этди. Қарши шаҳрида ташкил этилган семинар-тренингда Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё вилоятларидан таклиф этилган журналистлар қатнашди.

Иштирокчиларга малакали мутахассислар томонидан «Журналистлар касб этикаси кодекси лойиҳаси муҳокамаси», «Таҳлилий журналистика асослари» мавзуларида батафсил маълумотлар берилди.

Ўз муҳбиримиз.

Муносабат

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан Президентимизнинг соҳа ходимларига табригида "Кейинги пайтларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар таҳлили ошиб бораётгани алоҳида эътиборлидир, — деб таъкидланди. — Чунки бундай тенденция ислохотларимиз самараларини оширишга, жамоатчилик назоратини, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади".

Бу журналистлар амалга ошираётган фаолиятнинг ёрқин эътирофидир.

Сўз масъулияти

Дарҳақиқат, юртимизда ОАВ соҳасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг оммавий ахборот воситалари сони йил сайин ошиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Айниқса, журналист кадрларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, уларнинг ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилишга катта аҳамият берилмоқда. Журналистика соҳасида самарали хизмат қилаётган инсонларнинг хизмати муносиво тақдирланмоқда.

ОАВ турлари ва тахририятлари сонининг кўпаяиши, кучаяётган медиа рақобат муҳити, ўз навбатида, юқори малакали журналистларга эътиёжнинг ортшига сабаб бўлмоқда.

Соҳада фаолият олиб бориш учун, энг аввало, ёш мутахассисларда маълум кўникма ва тажриба бўлиши талаб этилади. Шунинг баробарида, журналист кадрларни тайёрлаш учун таълим соҳалари, таълим йўналишларининг малака



Акмал БУРХОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

талаблари ва ўқув режалари ҳамда фан дастурлари йил сайин такомиллаштирилмоқда. Ўқув жараёнига илгор педагогик ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу эса талабаларнинг ўзларига нисбатан талабчанлигини ошириш, замонавий технологиялар билан бемалол "тиллашиш", катта-кичик дастурлар яратиш ва мақсад сари дадил интилишлари учун кенг йўл очмоқда.

Давлатимиз раҳбари барчамизни мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлар ва ислохотларимиз тизимлигини таъминлашда янгича ишлашга, янги гоё ва ташаббуслар билан майдонга чиқишга ундайди.

Шунингдек, амалга оширилаётган ишларни кенг жамоатчилик етказишида эса асосий воситачи — журналистларга янада эътиборни кучайтириш, соҳадаги кадрлар салоҳиятини юксалтириш, давр талабига айланиб бораётган интернет журналистикасини ривожлантириш ва бошқа йўналишларда ҳам ҳали олдимизда бажаришимиз лозим бўлган долзарб вазифалар кўп.

Демак, ОАВ ходимлари энди янгича усулларда ишлашга ўтишлари лозим. Ахир, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг ислохотлар ва ижобий ўзгаришлар даврида ҳар бир соҳадаги янгиликларни ёритиб бораётган журналист давлат ва жамият бошқаруvinинг барча соҳаларида кенг қўламда татбиқ этилаётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини мукамал даражада ўзлаштириши ва улардан ўз вақтида унумли фойдаланиши даркор.

Ўз устида етарли даражада ишлаган, зарур билимларни эгаллаган журналист қўйилган аниқ мақсад ва вазифаларни ўз вақтида бажаради, жамият ҳаётида ўз ўрни ва сўзига эга бўлади.

Шундай экан, матбуот ва ОАВ соҳасида жорий этилаётган ислохотларни қонунчилигимизда ҳам жорий этишимиз, соҳа вакиллари билан ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашимиз зарур.

Ҳар дилда бир чўғ бор...

Зомин туманида Республика ёш ижодкорларининг семинари муваффақиятли ўтди

Жорий йилда яна анъанага мувофиқ, семинар тадбирлари 3-5 июль кунлари гўзал табиатга эш Зомин туманининг Уриқлисой оромгоҳида — соғлом табиат бағрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ва Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ушбу тадбирга алоҳида тайёргарлик қўрилди. Мамлакатимизда кенг нишонланган Ёшлар кун байрамига ҳамроҳан тарзда ўтказилгани — узукка кўз қўйилгандек маъно касб этди.

Пойтахтимиздан Зомин сари замонавий автобусларда йўл олинди. Юртимизнинг атоқли шоир ва ёзувчилари, таникли публицист ва журналистлари ҳамда ёш ижодкорлар аввал Жиззах шаҳрида, адиб ва жамоат арбоби Шароф Рашидов, элимизнинг суюкли шоирлари Хамид Олимжон ва Зулфияноним ҳайкаллари пойга гўлдасталар қўйиб, ҳурмат бажо этди. Бу улғу зотлар ҳаётига бағишланган очилган музейларга ташриф буюрилди.

Бу зиёрат, шубҳасиз, ижод аҳли, айниқса, ёш истеъодларда унутилмас таассурот уйғотди.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси, Халқ шои-

ри Сирожиiddин Саййид бошчилигида Зомин семинари иштирокчилари Хамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабида ҳам бўлди. Бу ердаги қизгин учрашувларнинг ўзи бир дoston.

Бетақрор табиати, шарқирок сойлари, пурвиқор тоғлари, сеҳрли арчалари оромбахш ҳавоси... буларнинг бари — таърифига сўз ожиз — жуда гўзал!

Уриқлисой. Номининг ўзи кайфиятни кўтарди. Шу кунни тушлиқдан сўнг, ушбу гўзал масканда Зомин семинарининг очилиш маросими бўлди. Унда сўзга чиққан Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид, Ўзбекистон халқ шоири Энаҳон Сиддиқова, Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенисбай Каримов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, таникли шоир Саъдулла Ҳаким ва бошқалар мамлакатимиз раҳбарининг адабиётга, маънавиятга, ёшларга эътиборининг нечоғлик катта эканини алоҳида қайд этдилар. Ижод аҳлига бундай гамхўрлик ҳеч қачон бўлмаган.

Бу йилги семинарда 200



дан зиёд ёшлар қатнашди. Уларнинг бари республикамизнинг турли ҳудудларидан. Барчаси истеъодли, умидли гуначалар.

Семинарнинг ilk оқшомини ёшлар ва устоз ижодкорлар давраси — қизгин мушоира кечасига айланди. Ўзбекистон халқ шоирлари Анвар Обиджон, Махмуд Тоир, Энаҳон Сиддиқова, таникли шоирлар Азим Суян, Абдували Қутбиддин, Нодир Жонузоқ, Сирожиiddин Рауф, Хосият Рустамова, Рустам Мусурмон кеча иштирокчилари учун янги шеърлар ўқиди.

Ёшлар-чи, ёшлар! Устозлардан асло қолишмайди. Бухоролик Динара Умарқулова, Самарқанддан Чарос Қозоқова, Хоразмдан Жаҳонгир Норматов, Зумрад Абдуллаева, Сурхондарёдан Алишер Муқимов, Жиззахдан Гулбахор Равшанова, Сирдарёдан Орузмурод Нурматов, Мирзооғод Мирзанеъматов, Намангандан Нодира Ҳабибуллоева, Бибиробия Саидова...

Ҳа, уларнинг овози баланд, ўткир. Сафлари ҳам кенг.

— Бундай анжуманларнинг истеъодларни кашф этишдаги аҳамияти жуда катта. Чунки бу каби учрашувлар ёшларнинг ижод оламига киришида, ўз

ўрнини топишида катта ёрдам беради, — дейди таникли шоир Абдували Қутбиддин. — Албатта, бировга шеър ёки ҳикоя ёзишни ўргатиб бўлмайди. Лекин ижодий таъсир, тарбия деган нарсалар ана шундай анжуманларда шаклланади, мустаҳкамланади.

Бетимсол табиатнинг сеҳрли қучоғида ёш ижодкорларнинг адабий сабоғи бошланди. Назм ихлосмандлари Азим Суян, Абдували Қутбиддин, Нодир Жонузоқ, Хосият Рустамова, Сирожиiddин Рауф каби шоирлардан шеърят сирларини ўзлаштириб, ижодларига баҳо олдилар. Эркин Аъзам, Абдусамид Қучилов, Ўткир Раҳмат, Назар Эшонқул, Лукмон Бўрихон, Ўктам Мирзаёёр, Собир Ўнар, Баҳодир Қобул, Норқобил Жалил каби ёзувчи-адиблар ёшларни насрнинг нафис жиҳатларидан хабардор этдилар. Адабий танқид, бадиий таржима, болалар адабиёти, бадиий публицистика йўналишларида ҳам юртимизнинг таникли адабиётшунослари,

... Уриқлисойдаги Навоий тоғ-металлургия комбинатининг Ёзувчилар уюш-

маси учун ҳомийлик ёрдамида маълум қисми ажратилган янги қурилган сияҳтоҳи амфиатеатрида тадбирнинг тантанали якуний маросими бўлиб ўтди. Уч кун давом этган адабиёт даamlари гўёки бир онда кечгандек ўтиб кетди. Бу беҳиз эмас. Элимизнинг таникли шоири ёзганидек, ҳар дилда бир чўғ бор, ёқмоқ истаса, ҳар кўнгил бир дарё, оқмоқ истаса...

Дарҳақиқат, юракларга бир олам орузлар улашган ушбу анжуманнинг юксак даражада ташкил этилганини эътироф этмоқ жоиз. Бу хайрли ишда яқиндан ёрдам берган Жиззах вилояти ва Зомин тумани ҳокимлигига самимий миннатдорлик билдирилди.

Семинар сўнггида эса ёш ижодкорларга сертификатлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги, ҳомий ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Дўстлар клуби" — АТБ "Халқ банки"нинг эсдалик совғалари топширилди.

Зомин тоғларида, Уриқлисой этакларида ўтган адабиёт байрами кўнгилларга чексиз шукҳ, унутилмас ҳаяжон, бой таассуротлар тўхта этди.

А. ЖУМАЕВ.

Халқ билан мулоқот

Бутун мамлакатимизда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими сифат жиҳатдан янги, янада мукамал босқичга кўтарилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фурқат туманидаги Халқ қабулхонаси фаолияти, турли даражадаги раҳбарлар томонидан жойларда уюштирилаётган учрашувлар ва мулоқотлар янада ўзгача аҳамият касб этмоқда.

Масала ҳал бўлди

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тумандаги Халқ қабулхонасига тушган 467 мурожаатнинг 286 таси қаноатлантирилган, қолган 117 мурожаат муаллифларига тегишли тушунтиришлар берилган. Бу эса шунча фуқаронинг адолат устуворлигига ҳамда эртанги

кунининг янада нурафшонлигига ишончи кучайди, деганидир.

Аммо, ёшидан, жинсидан, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг кўнглига йўл топиш, ташвишга солаётган муаммоларни аниқлаб, бартараф этиш ва уни ҳаётдан рози қилишга йўнал-

тирилган саъй-ҳаракатлар суръати сусайгани йўқ. Бунга тумандаги турт сектор раҳбарлари ташаббуси билан Шўхай кишлоғидаги "Ёшлик" болалар оромгоҳида ташкил этилган сайёр қабуллар мисол бўла олади.

— Кейинги пайтларда соғлигим хийла ёмонлашди, бироқ оилавий ва молиявий шароитим туфайли вақтида даволана олмадим, — дейди ардашонлик Шоира Йўлдошева. — Шу сабаб биринчи

сектор раҳбарига мурожаат қилдим. Шукрки, шу заҳоти туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидидаги шифохонада даволанишим учун бегул йўланма ва дори-дармонимга ҳомийлардан ёрдам пули уюштириб берилди.

Сайёр қабуллар давомидаги мурожаатларнинг аксарияти йўллари таъмирлаш, сув, газ, электр таъминотидаги узилшларни бартараф этиш, бандликни таъминлаш, банклардан кредит олиш масалалари

билан боғлиқ бўлди. Уларнинг ҳар бири тегишли сектор раҳбари томонидан диққат билан тингланиб, имкони борлари шу ердаёқ хал қилинди. Ижроси вилоят ва республика миқёсида қўриб чиқилган мурожаатлар эса дастурга киритилди ва бу ҳақда ҳар бир хал муаллифига тушунтириш берилди.

Дурдона ҒАФҒОРОВА,
журналист.
Фаргона вилояти.

7 КУН
ХАБАРЛАР
ВОҚЕАЛАР

Санъат

Самарқанд
меҳмонларга мунтазир

Жаҳон халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мусиқа санъати анъаналарини асраш ва ривожлантириш, маданиятларо мулоқотни кучайтиришга хизмат қилаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали қадим Самарқандда бу йил ўн иккинчи бор ўтказилди.

Фестиваль дирекциясидан маълум қилишларича, давлатимиз раҳбарининг қарорига биноан, мазкур халқаро анжуманга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. “Энг яхши ижро учун” халқаро кўрик-танлов, “Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истикболлари” мавзусидаги илмий-назарий конференция, Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги туман, шаҳарларда иштирокчиларнинг концерт дастурлари, саёхатлар, ижодий учрашувлар ва бошқа тадбирлар режалаштирилган. Айни пайтда Регистонда сахна ўрнатилиб, томошабинлар учун жой ҳозирланиб, мажмуа ва унинг атрофида ободонлаштириш, Тиллақори мадрасасининг гўмбазини реставрация қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Илм-фан

Хусусий секторнинг
ҳиммати

Мамлакатимизда илмий фаолият асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Илмий тадқиқот ишларининг жадал ривожланишига эришиш, хусусий секторнинг молиявий ва иқтисодий имкониятларини илм-фан тараққиётига жалб қилиш юксак самаралар беради.

Ўзбекистон Инновация ривожланиш вазирлиги ҳамда Буюк Британиянинг “Petrogaz” компаниялар гуруҳи ўртасида имзоланган нефть-газ соҳаси, тўқимачилик саноати, кишлоқ хўжалиги ҳамда қурилиш материаллари соҳасида илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлашга доир ҳамкорлик меморандуми шу жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур вазирлик ва компания ўртасида ўтказилган музокаралар натижасида дастлабки ҳамкорликдаги илмий-техник лойиҳалар танловлари учун “Petrogaz” компаниялар гуруҳи 3-4 млрд. сўм ва йил охиригача 15 млрд. сўм миқдорда маблағлар ажратишга, вазирлик ҳам ўз навбатида худди шундай миқдордаги улуш киритишига келишилди.

Туризм

Сайёҳлар
кўпаймоқда

Тизимда сервис хизматини кўрсатувчи ходимлар салоҳиятининг юқари кўтарилиши хорижий сайёҳларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида жойларда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси билан ҳамкорликда “Лаззатли Ўзбекистон”, “Ўзбекистон бўйлаб гастротур”, “Меҳмоннавозлик мактаби” каби лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Нукусда Оролбўйида гастрономик туризмни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар доирасида ўтказилган семинар-тренингда шулар ҳақида сўз юритилди. Нукусдаги “Ипак йўли” меҳмонхонаси бош ошпази Дилшода Дўсанованинг айтишича, Оролбўйига келаётган хорижий сайёҳлар оқими тобора ошмоқда.

Қулайлик

Газ таъминоти:
меъёр ва талаб

Андижон аҳли белгиланган стандарт, меъёр ва талабларга жавоб берадиган, газдан фойдаланишда зарур бўладиган сифатли, замонавий жиҳоз ва ускуналарни харид қилиш имкониятига эга бўлди. Шаҳар газ таъминоти худудий участкасида тежамкор газ ускуна ва жиҳозлари сотишга ихтисослашган дўкон иш бошлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, иситиш қозонхоналаридаги газ горелкасини автоматлаштирилган турига алмаштирилганда газ сарфи 40 фоизгача камайиши мумкин. Бу куз-қиш мавсумида ҳар ойда ўртача 108,5 минг сўм маблағни тежаш имконини беради.

Андижонда совуқ мавсумга тайёргарлик: газдан фойдаланишда хавфсизлик ва тежамкорлик масалаларига бағишлаб ўтказилган пресс-тур ва республика семинари иштирокчилари мазкур дўкон фаолияти билан таниди.

“Узтрансгаз” акциядорлик жамияти мутасаддилари, жамиятнинг Андижон, Фарғона ва Наманган худудий филиаллари раҳбарлари, бўлим бошлиқлари, муҳандис ва мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда Андижон худудий филиали томонидан газдан фойдаланишда хавфсизлик ва тежамкорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар амалий кўргазмалар ҳамда филиал тизимидаги корхоналар фаолияти мисолда кўриб чиқилди.

Қ.КОДИРОВ.

Хамкасбларимиз

1999 йилнинг 21 марти Холида опанинг, ҳамкасбларимизнинг ҳам ёдидан чиқмайди. Наврўз байрами тантанали тадбирини ёритиш “Сирдарё ҳақиқати” газетасининг маънавий бўлими мудири Х.Пардабоевага юклатилган эди.

Саодат бекати

У тушгача тантаналарда катнашиб, байрам иштирокчиларидан интервьюлар, югуриб-елиб чиройли суратлар олди. Таассуротларини тезроқ қоғозга тушириш мақсадида ишонаси — тахририятга шошилди.

Тақдир ишини қарангки, уйда эрталаб унга оқ йўл тилаб, байрамга кузатиб қолган отаси бандаликни бажо келтирган, қариндошуруғлар йигила бошлаган эди.

Эшонкул бобо иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийси, урушдан кейинги даврларда маъсулиятли ва зифаларда меҳнат қилган, эл-юрт хурматиға сазовор бўлган кишилардан эди.

— Эртанги сонга бериладиган мақоладан хотирлар олманг, бир амаллаймиз, — дейишди ҳамкасблар.

— Йўқ, материални ўзим ёзиб, эрталаб тахририятга етказаман!..

Дарҳақиқат, Холида опанинг жияни эртаси кунни тонгда репортаж кўләмасини ва фотоаппаратни ишонамизга олиб келди. Уз касбиға садоқат, меҳр, масъулият дегани шунча бўлар. Отасидан айрилган, таъзияли инсон юрағига мақола ёзиш қандай сифади? Кимдир буну тушунади, кимдир йўқ..

Тахририятнинг навбатдаги ижодий муҳокамасида журналистнинг бу мақоласи ҳам ҳар доимғидай пишк, ўқили ёзилгани эътироф этилди.

— Юртимизда меҳнат қилганлар, албатта, эъзоз то-



пади. Холидани “Сирдарё ҳақиқати” газетаси тахририятига мақолалар кўтариб келиб юрган ўқувчилик давридан биламан, — дейди меҳнат фахрийси Бектурсун Пирматов. — Бугун вилоятимиздаги энг ғайратли, фаол журналистлардан. У қарийб 42 йилдан бери матбуот соҳасида узлуқсиз, самарали меҳнат қилиб келади.

Мустақилликнинг халқимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги бекиёс аҳамиятини тарғиб этиш Х.Пардабоева ижодининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунончи, у ўз фаолияти давомида Сирдарё хотин-қизлари ҳаёти, фаолияти, ёшлар тарбияси, вилоятимизнинг маънавий-маданий ҳаётини, миллий қадриятлар, ҳарбий ватанпарварлик мавзуларини мунтазам ёритиб келмоқда. Айниқса, ҳукуратимиз томонидан хотин-қизларга, ёшларга ва болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, яратилаётган имкониятлар маданият ва санъат соҳаларидаги ислохотлар, бу борада қабул қилинаётган фармон ва қарорларни кенг тарғиб этишга бағиш-

ланган юзлаб мақолалари чоп этилган.

Журналист қатор йиллардан бери фотожурналист сифатида ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб келмоқда. Интернет орқали дунёнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқади. Жаҳон аниқликларидан биринчилардан бўлиб хабар топади.

Холида опанинг ўнлаб шогирдлари ҳозирда ОАВда хизмат қилмоқда.

— Устозимизнинг йўлларидан юргимиз келади, — дейди Намуна Норқулова. — Саришта аёл, ибратли уй бекаси сифатида ҳам уларга ҳавас қиламиз.

Холида опа тақдир ҳукмига кўра икки нафар фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялаб, олий маълумотли қилди, элга қўшди. “Яхши фарзанд тўрға чиқаради”, деганларидек, унинг обрўсига обрў қўшди.

Ўғли Умиджон Абдуллаев вилоят хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатни имтиёзли шаҳодатнома билан тугатди. 2004 йили Канададаги Эдмонтон шаҳридаги халқаро Алберто университетида халқаро грант асосида ўқишга қабул қилинди. Амалиётларни Германияда ўтади. 2009 йили университетни дизайн интеръери муҳандислиги бўйича имтиёзли тугатиб, бир неча йил архитектура компанияси филиалида ишлади, сўнг лойиҳа гуруҳи раҳбари бўлди. 2015 йил Канаданинг Виннипег шаҳридаги Манитоба университети магистратурасини имтиёзли равишда архитектор-дизайнер муҳандиси йўналиши бўйича тавомлаб, Эдмонтон архитектура компаниясида ишни давом эттирди. Ҳозир Канаданинг Калгари шаҳрида архитектура компаниясида гуруҳ раҳбари бўлиб ишлади.

Қизи Манзураҳон — олий маълумотли иқтисодчи. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий бан-

кининг Сирдарё вилоят бўлимида бош мутахассис.

— Хар куни дастурхон атрофида оила аъзоларимизнинг барчаси ўзларининг энг яхши ниятларини сўрашарди. Онам кўпинча: “Шу кизим меҳнатининг роҳатини, фарзандларининг камолини кўрсин!” деб дуо қилардилар. — дейди Холида опа. — Орзуларининг барчаси амалга ошяпти. Умиджоним ишлаб бошлагач, мени кўп мамлакатларга саёхатга таклиф этди. Эрта-индин дийдорлашиб унун Канадага учиб кетаялман. Сафар олдида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мени Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвони билан тақдирлаганларидан бошим осмонга етди. Тақдирлаш маросимидан сўнг бу ҳақда ўғлимга ёздим. Ҳаяжонимни, хурсандчилигимни, журналист бўлсамда, сўз билан ифода этолмай қолдим. Ўғлимнинг ҳам, кизимнинг ҳам, ҳамкасбларимизнинг, барча яқинларимизнинг ҳам бу хушхабардан кўнглилари тоғдай кўтарилди. Бу унвон фақат менга эмас, вилоятимиздаги барча журналистларга берилган юксак муқофотдир. Байрам тадбирида муҳтарам Юртбошимизнинг соҳа ходимларига табригини тинглаб, бизга билдирилган катта ишонч, кўрсатилган юксак ҳурмат ва эътиромдан қалбим ғурурга, қувончга тўлди. Шу касбни танлаганим, тақдиримни у билан боғлаганимга минг-минг шукроналар келтирдим. Чунки касбимни яхши кўраман. Ҳаётимдаги барча қувончларим, яхши кўнларим у билан боғлиқ. Аслини олганда, бахт деганлари шу эмасми?!

Ҳа, ўз касбига юксак меҳри, захматли меҳнатлари Холида Пардабоевани саодат бекатига етказди.

Дилором
ИСМАДИЁВА,
журналист,
Сирдарё вилояти.

Китобхонлик

Туманимизда нечта китоб дўкони бор ва уларда ўзингиз истаган адабиётни топа оласизми? Ана шу саволга дуч келганда дилимизни хижолатлик қамраб олаётганди.



Бир эмас —
икки дўкон

Чунки олдин кўптармоқли марказий поликлиника фаолият юритган эски бинодаги китоб дўкони хўжақўрсин учун ишлаб турар, жавонларга терилган нашрларни бафуржа кўздан кечириб, манзур бўлганини харид қилиш учун шароит йўқ эди.

Айниқса, пойтахтга йўлимиз тушганда пештоқига “Китоблар олами” деб чиройли қилиб ёзиб қўйилган, ҳатто мутолаага хуши йўқ одамни ҳам ўзига чорловчи зиё масканларини кўриб, ҳавасимиз келарди. Бунақа қўлнинг ўргусин шароит бизга қачон насиб этаркин, деган саволга, афсуски, жавоб йўқ эди.

Ниҳоят, Фурқат тумани марказидаги деҳқон бозори рўпарасида ва ушбу худудга чегарадош Чирқай маҳалласида бирданга иккита китоб дўкони барпо этилаётганини кўриб, қувониб кетдик.

— Аввало жамғарилган оилавий маблағимизни китоб дўкони қурилишига сарфладик, етмаганига бандқан кредит олдик, — дейди мазкур эзгу иш ташаббускори, ижодкор ва тадбиркор Баҳодиржон Маҳмудов. — Насиб этса, улар биттач, китобсеварлар маънавий эҳтиёжини қондиришда катта имкониятлар пайдо бўлади.

Д.ФАФФОРОВА,
Фарғона вилояти.

Қозонда йўқ бўлса,
чўмичга чиқадими?

Ёки болаларнинг ҳақини “туя” қилиш қачон барҳам топади?

Ички аудит хизмати томонидан 2018 йилда 11 млрд. сўмлик, 2019 йилнинг биринчи чорагида эса 5,4 млрд. сўмлик қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган.

— Мамлакатимизда таълим-тарбия тизими узоқ йиллар давомида етарли даражада назоратда бўлмагани учун, соҳа танг аҳволга тушиб қолган, қонунбузарлик ва суиистеъмолликлар авж олганига ўтказилаётган текширишлар натижасида, балки давлат бюджетига ҳам катта зарар келтирмоқда. Масалан, мактабгача таълим муассасаси мудири номи бору ўзи йўқ ходимларга ёзилган иш ҳақларини ноқонуний ўзлаштиради. Штатда бору, амалда йўқ ходимлар ноқонуний меҳнат таъжигга эга бўлади ва уларга шу стаж учун пенсия жамғармасидан нафақа тўланади. Сохта ходимга табелларда ишга келмаган бўлса-да, иш кунлари қўйилади, уларнинг аслида қаерда ва қандай иш билан шугулланаётгани эса номаълум.

Бундай ҳолатлар боланинг боғчада кўнглидагидек тарбияланишига салбий таъсир қилиши табиий. Масалан, тарбиячи «ўлик



жон” бўлса, болалар унинг ўрнига номухтаҳассис ходимнинг қўлида қолади. Ҳатто шундай ҳолатлар кузатилдики, тарбиячининг ўрнига ошпаз, фаррош каби вазифаларга расмийлаштирилган ходимлар тарбиячи бўлиб “ишламоқда”.

Яна бир ҳолат, ходимларга иш ҳақини бермасдан ноқонуний ўзлаштириш, уларга иш ҳақи ва муқофот пулларини ёзиш билан боғлиқ. Мисол учун, Хоразм вилояти, Шовот туманидаги 14-сонли МТМда ишлаган ходимларга йиллар давомида иш ҳақлари тўлиқ берилмаган. Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги 16-сонли МТМда 2015-2018 йилларда ходимлар номига тўлов қайд-номалари орқали ҳисобдан чиқарилган жами 115 млн. сўм нақд

пулни эгалари олмаганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, ота-оналарнинг болалар таъминотиға тўланган ва ҳомийлик пулларини ғазнага кириш қилмаслик ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманидаги 226-сонли МТМ томонидан 96 млн. сўм, Учтепа туманидаги 19-сонли МТМда 100 млн. сўм, Жиззах шаҳридаги 24-сонли МТМда 64,3 млн. сўм ана шундай тарзда ўзлаштирилган.

— Боғчалардаги озиқ-овқат таъминотидаги камчиликларнинг олдини олиш вазирликнинг олдида турган энг долзарб муаммо-

лардандир, — дейди Дилшод Норматов. — Ўрганишлар давомида озиқ-овқатларни болаларга бермасдан яшириб қўйиш ҳолатлари, маҳсулотларни таомномада кўрсатиб, аслида қозонга солинмагани аниқланган. Тизимда МТМ ходимлари ўзларининг иш ҳақлари миқдорини билмаслик ҳолатлари кузатилди. Табиийки, бу мудирага қўл келади. Бундай воқеаларнинг олдини олиш мақсадида хозир телеграммдаги «ойлик хисобот» саҳифаси орқали ходимларга ҳисобланган ва тўланган иш ҳақлари тўғрисида ҳар ойлик маълумотларни текшириш жорий қилинмоқда.

Мактабгача таълим вазирлиги тизимдаги ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатларини — болалар ҳуқуқини бузиш ва ҳақига хиёнат, деб ҳисоблайди.

Тадбирда мутахассислар ушбу муаммоларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Наргиза БОБОМУРОВА,
«Hurriyat» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 27 июнь куни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригида: “Маълумки, ҳозирги кунда тобора тезкор ва кўп тармоқли соҳага айланиб бораётган оммавий ахборот воситалари учун глобал медиа маконда кескин рақобатга дош бера оладиган, фаол гражданлик позициясига эга замонавий кадрлар тайёрлаш олдимида турган энг муҳим вазифадир, — деб алоҳида таъкидлади. — Ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети анъанавий билим ва кўникмалар билан бирга, инновацион тафаккур, соҳага оид технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган кадрлар тайёрлаш бўйича республикамиздаги етакчи олий таълим муассасасига айланади, деб ишонамиз”.

Муҳбиримиз Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, Халқаро пресс клуб раиси Шерзодхон Қудратхўжаев билан ана шу вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ:

“Иқтидорли журналист осмондан тушмайди. Тарбияланади”

— Жорий йил Сиз ва жамоангизга омадли келиб “Олтин қалам” миллий мукофотиغا лойиқ деб топилдингиз ва 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини Президентимизнинг фармони билан тақдирландингиз. Қўшалоқ мукофотларни қабул қилган кунларда ҳаёлингиздан қандай ўйлар кечди?

— Аввало тушундимки, биз тўғри йўлдмиз. Яъни, биз қилаётган иш бугун нафақат халқимизга, балки ҳукуматимизга ҳам маъқул келмоқда. “Олтин қалам” ҳам, “Меҳнат шухрати” ордени ҳам пресс клуб ва менга Президентимиз томонидан жамиятдаги долзарб мавзуларни ёритганимиз учун, таҳлил, ҳолис танқид учун берилди. Бундай бахонинг берилиши Ўзбекистонда эркин журналистиканинг ривожланиши, соҳанинг шундай йўналишидаги, очик, шаффоф ҳолати қўллаб-қувватланаётганини билдиради. Яна шунини айтишни истардимки, мен неча йилдан бери журналистикада фаолият олиб бораётган бўлсам, шунча вақт ичида фақат тажриба тўплаган эканман. Бу берилган мукофотни эса фаолиятимнинг сўнгги 3 йили учун берилган баҳо дея, айтган бўлардим.

— Шерзодхон ака, журналист кадрларни тайёрлайдиган ва фаолият бошлаганига ҳали учра кўп бўлмаган олий ўқув даргоҳининг раҳбарисиз. Университет қабулнинг иккинчи йилини бошдан ўтказиш арафасида. Бу йил ушбу жараёнда қандай янгиликлар бор?

